

ХАБАРЛАР

Зеленский: Украина йилига 10 миллионта дрон ишлаб чиқармоқда

дақиқа аввал



Европа Иттифоқи ва Украина дронларни биргаликда ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган янги келишувни имзолади. Бу ҳақда Европа комиссияси президенти Урсула фон дер Ляйен маълум қилди.

Киевда Украина Давлатчилик куни маросимида нутқ сўзлаган фон дер Ляйен мазкур келишувни "шахсий дрон келишувимиз" деб атади.

Унинг айтишича, келишув қўшма ишлаб чиқариш, инвестициялар ва мудофаа маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни қўллаб-қувватлайди.

- Айтмоқчи бўлган фикрим шуки, биз ўз кучли томонларимизни бирлаштиришимиз керак. Биргаликда қўшма ишлаб чиқаришни йўлга

қўйишимиз, тизимнинг барча таркибий қисмлари уйғун ишлашини таъминлашимиз мумкин. Шунингдек, ҳар икки мудофаа-саноат базасига инвестициялар ва ишлаб чиқаришни ҳал қилувчи даражада ошириш учун зарур туртки бера оламиз, - деди Европа комиссияси президенти Урсула фон дер Ляйен.

Украина бунгача алоҳида давлатлар билан бир қатор шундай келишувларни имзолаган.

Ўтган ҳафта Туркиянинг Анқара шаҳрида бўлиб ўтган НАТО саммитида президент Владимир Зеленский яна учта шундай келишувни имзолагани ва уларнинг умумий сони 9 тага етганини маълум қилган.

15 июл куни имзоланган келишув Европа Иттифоқининг барча мамлакатлари ва компанияларини қамраб олиши кўзда тутилган биринчи ҳужжат ҳисобланади.

Президент Владимир Зеленский Украина айни пайтда йилига 10 миллионта дрон ишлаб чиқараётганини ва европалик ҳамкорлари кўмагида бу ҳажмни икки баравар оширишни кутаётганини айтди.

- Илк бор Украина Patriot тизими учун ракеталар ишлаб чиқариш имкониятига яқинлашмоқда ва бу бўйича келишув ҳамда бундай имтиёзга эга бўлган тарихдаги учинчи мамлакатга айланиши мумкин. Мен Америка президентига аллақачон тарихий аҳамият касб этган сиёсий қарор учун миннатдорлик билдираман. Бу қарор Украинада минглаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолишга ёрдам беради, деди Украина президенти Владимир Зеленский.

Шунингдек, у Украинанинг узоқ масофага зарба бериш салоҳиятидаги ютуқларни ҳам таъкидлади.